

ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИДА ДАФН МАРОСИМЛАР ТАЛҚИНИ

Қўшоқов Сафарали Юсупович

Терду докторонти

Аннотация: Ушбу мақолада урф одатнинг энг катта белгиларидан бири одамларнинг дафн маросими ҳақида Ўзбекистоннинг жанубий ва унга чегарадош ҳудудларда қандай бўлгани ва унинг хусусиятлари ҳақида Шимолий Бақтриянинг бронза даври чорвадор қабилаларининг дафн маросими қай юсинда бўлганлигини унинг ёдгорликларидан билишимиз мумкин. Шу билан биргаликда Ўрта Осиё, хусусан, Қадимги Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларида дастлабки шаҳар давлатларнинг вужудга келишида ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Илк давлатчилик, Зардуштийлик, Қадимги Бақтрия, Марғиёна, қадимги дин, “Авесто”, “дафн маросими”, Тулхор, Арьянам Вайжа

1. Долзарблиги: Жамият тараққиётининг тамал тоши сифатида ҳар бир миллатнинг ўзига хос маданияти ва урф одати мавжудлигини ўтмиш саҳифалари ҳар томонлама тасдиқлайди десак муболаға бўлмайди. Шундай экан урф одатнинг энг катта белгиларидан бири одамларнинг дафн маросими ҳақида Ўзбекистоннинг жанубий ва унга чегарадош ҳудудларда қандай бўлгани ва унинг хусусиятлари ҳақида Шимолий Бақтриянинг бронза даври чорвадор қабилаларининг дафн маросими қай юсинда бўлганлигини унинг ёдгорликларидан билишимиз мумкин. Шимолий Бақтриянинг бронза даври чорвадор қабилалари асосан жанубий-ғарбий Тожикистон ҳудудларида жойлашган. Уларни кенг кўламда ўрганиш иши А.М.Мандельштам томонидан 1950 йилларнинг ўрталаридан Илк Тулхор қабристонини очишдан бошланади.

Дафн маросимларини кузатишда белгиларига қараб, асосан қуйидаги уч категорияга ажратиш мумкин. 1) қабр тузилиши; 2) кўмиш усули; 3) дафн этиш анжомларининг турлари. Одатда марҳум вафот этгандан сўнг, қурбонлик қилиниб, хотирлаш маросими ўтказилган. [Назаренко В.А. Классификация погребальных памятников южного Приладожья. - В кн.: Статистико-комбинаторные методы в археологии. – М., Наука, 1970.] Қабристонлар археологик жиҳатдан ҳам этнографик жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қимматли ашёвий далилларга бой бўлади. Бу ашёлар орқали уларнинг дафн маросимлари ва диний қарашлари қандай бўлганлигини ажратиш олиш мумкин. Шу билан бирга марҳум ва унинг ҳаётлик чоғидаги касб-ҳунари ҳақида



тегишли маълумотлар беради. [Кореняно В.А. Погребальная обрядность как система.- В кн. : Археология и вопросы атеизма. Грозный: «Чечено-Ингуш». 1977]

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси: Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, Илк Тулхор қабристонини Шимолий Бақтриянинг Бишкент водийсида жойлашган бўлиб, ушбу қабристонда олиб борилган қазилмалар натижасида 350 та қабрдан 219 та қабр очилган. Уларнинг учтасида марҳум тош яшикка солиб дафн этилган. Қабрлар орасида 9 та жасад куйдириб, сўнг дафн этилган, 9 та мазорда жуфт кўмилган скелетлар учратилган. Илк Тулхор қабристонининг 2та (№ 51, 58) қабрида сруб маданиятига хос бронза пичоқлар топилган. Қабрларнинг асосий қисмини кенотаф мазорлар ташкил қилади. Уларда дафн маросимлари билан боғлиқ ашъвий далиллар деярли учрамайди. Баъзиларида биттадан идиш учратилиб, уларнинг сирти нақшланган. Вахш маданияти ёдгорлигининг санаси мил.авв. XII-X асрлар билан белгиланган. Қабрлар тузилишига кўра, айвонли – лаҳат тузилишида бўлиб, қабрнинг таг қисмига тош териб чиқилган [Ионесов В. Становление и развитие раннеклассовых отношений // Дис...канд.ист.наук. – Самарканд. 1990. – С. 35.]

Илк Тулхор қабрлари тузилишига кўра, асосан 4 турга бўлинади. Улар айвонли қия зинали қабрлар; тош ғовли ёрма қабрлар; катакомба қабрлар ва ёрма қабрларнинг жанубий қисмида ўчоқ сифат чуқурчали қабрлар бўлиб, уларнинг орасида кўп қўлланилган усул қазилма муаллифи таъкидлаганидек айвонли қия зинали қабрлардир . Бу қабрларга дафн этиш уч хил усулда амалга оширилган бўлиб, улар яъни бир скелетли қабрларга (улар 33 та), жуфт скелетли қабрларга (7 та) ва болалар қабрлари (4 та) дир.

Қабрларнинг асосий қисмини яқка ҳолатда кўмилган катта ёшдагиларнинг мазорлари ташкил этади. Марҳум ва марҳумалар жинсига қараб, бир хил тартибда, яъни ёнбошлатилиб, қўл-оёқлари букилган ҳолатда, эркалар ўнг томони билан, аёллар чап томони билан ётқизиб кўмилган.

Илк Тулхор қабрларининг 3 тасида (№ 56, 57 ва 62) қабр ўрасининг ўрта қисми тўғрибурчак тарзда бўлиб, унинг деворлари плита тошлари билан мустаҳкамланган. Бу қабрларда марҳум скелети тош яшикларда дафн этилган. Скелетнинг бош чаноғи тош яшикнинг шарқий томонида, оёқ суяклари ғарбида жойлашган. Тош яшикдаги скелетларнинг устки қисми қамиш билан ёпилган. Бу қабрлар эркаларга ҳам, аёлларга ҳам тегишли бўлиб, уларнинг жинси бош чаноғи ва тоз суяк қолдиқлари орқали аниқланган. Бундай



қабрларда дафн билан боғлиқ ҳеч бир ашёвий далиллар учратилмаган. Тош яшиқлар қабрларнинг ўртасида жойлашган бўлиб, А.М.Мандельштам уларнинг йил санасини мил.авв. X–XI аср билан белгилайди. [Мандельштам А.М. Памятники эпохи бронзы в южном Таджикистане. МИА, – № 145, – Ленинград, Наука. 1968. – С. 53.] Илк Тулхор қабристонининг 63, 64 – қабрларида одам скелети куйдириб дафн этилган бўлиб, ушбу қабрларда Евроосиё дашт минтақаларининг чорвадор андранова қабилалари, яъни орийларда учрайдиган рамзий белги свастиканинг тошдан териб ишланган шакли мавжуд. Илк Тулхор қабрларининг ўзига хос хусусиятларидан бири деярли барча қабрларда кул ва кўмир парчалари учратилади. Бу уларнинг олов билан боғлиқ диний қарашларининг рамзий белгисидир. Бу қабристонда барча катта ёшли марҳум ва марҳумалар қабрида дафн анжомлари мавжуд. Дафн этиш анжомларининг асосий қисмини худди Сополли маданияти сингари сопол идишлар, турли хил тақинчоқлар, уй-рўзғор буюмлари, бронза пичоқлар, бронза ҳанжар, бронза ойна ва мунчоқлардан ташкил этади.

Умуман, олганда Илк Тулхор қабристонидоғи айвони қия зинали қабрларда дафн анжомлари таркибига кўра, 4 турга ажратиш мумкин. Булар – метал буюмлар; тошдан ясалган буюмлар; сопол буюмлар; зеб-зийнат, пардоз буюмларидан иборат. Бундан ташқари теридан ва кигиздан ишланган буюмларнинг парчалари ҳам топилган. Ушбу ёдгорликнинг катакомба қабрларида эса, дафн анжомлари кўп эмас. Бу ашёларнинг асосий қисмини сопол идишлар ташкил этади. Идишларнинг сирти асосан чизма ва босма нақшли шакллардан иборат. Дафн анжомлари орасида кўмиш вақтида қурбонлик учун сўйилган қўйнинг суяклари (оёғи ва қовурғаси) учратилади .

Илк Тулхор қабристонининг тўртинчи тур қабрларида кул ва куйган одам суякларига тўла митти ўчоқчалар бўлиб, улар эркаклар қабрида тўғрибурчак плитадан ясалган бўлса, аёлларга тегишли қабрларда айлана шаклидоғи ўчоқлар учратилади. [Мандельштам А.М. Памятники эпохи бронзы в южном Таджикистане. МИА, – № 145, – Ленинград, Наука. 1968. – С. 61-69.] Бундай топилмаларнинг учраши, уларнинг диний-фалсафий дунёқарашидан гувоҳлик беради. Эркакларнинг қабрида тўғрибурчакли митти ўчоқларнинг учраши уларнинг оила посбони, қолаверса оила мулкани, бойлигини яратувчи, ҳимоячиси сифатида қаралса, аёлларнинг қабридоғи айлана митти ўчоқлар, уларнинг Она ерга ва қуёшга қиёсланиб, шаклий рамзи сифатида қўйилган бўлиши мумкин. [Виноградова Н. Юго-западный Таджикистан в эпоху поздней бронзы. ... – С. 84.] Жанубий Тожикистон чорвадор қабилаларининг дафн этиш усули Сополли деҳқончилик маданиятининг Жарқўтон(Асқаров,



Абдуллаев 1983), Бўстон 6 қабристонида дафн маросимларига жуда ҳам ўхшайди. Улардан фарқи, фақатгина катакомба қабрларнинг кириш қисми пишган ғишт билан ёпилганлигидадир. [Avanesova N.A. Spatbronzezeitliche Kulturkontakte in der Baktrischen ... // – С. 147-178.] Айнан бундай қабр тузилиши Хисор водийсидаги Тандирйўл қабрлариникига яқин эканлиги билан ажралиб туради. Қумсой маданияти материаллари, керамикаси деҳончилик маданияти ёдгорлиги Сополли маданияти Мўлали босқичи вақти билан бир эканлигини кўрсатади

Болаларга тегишли бўлган қабрларда сопол идишлар, металл буюмлар ва зеб-зийнат буюмлари деярли топилмаган. Бироқ, № 72, 73, 74, 75 қабрларда тухумнинг майда пўчоқлари борлиги аниқланган. Бу ҳолатнинг фақатгина болалар қабрида, айниқса, жамоавий кўмилган болалар қабрларида учраши, уларни бир вақтда эмас, балки ҳар хил вақтларда, биринкетин дафн этилганлигидан гувоҳлик беради. Чунки битта қабрнинг ўзида 17 тадан 20 тагача ёш болаларнинг жасади биргаликда дафн этилган бўлиб, бундай қабрлар қабристонда тўрт жойда учратилади.

3. Тадқиқот натижалари: Ёш болаларнинг ҳамда катта ёшлиларнинг қабрида ҳам қизил ранг учрайди. Бу ҳам уларнинг эътиқоди билан боғлиқ удумлардан бўлиб, бу удум сўнгги бронза даври дафн маросимлари учун хосдир. Чунки қабрларда қизил рангнинг учраши нафақат Илк Тулхор қабристонида, балки Сополли маданиятининг сўнгги босқичлари қабрларида ҳам кўп учрайди. Қизил рангнинг қабрларда тез-тез учраши бронза даври жамоаларининг умумий эътиқоди билан боғлиқ рамзий маъно бўлган, деган хулосага келиш мумкин.

А.М.Мандельштам томонидан Илк Тулхор қабристонида олиб борилган изланишлар, қабрлардан топилган ашёвий далиллар ва қабр тузилишига қараб, ёдгорликнинг санаси аниқланган. Бунга кўра, Илк Тулхор қабрларининг асосий кўп қисмини айвонли қия зинали қабрлар ташкил этади. Бу усулдаги қабр тузилиши Сополли маданиятига хос урф-одатлар хосиласидир. Тадқиқотчилар Илк Тулхор қабристонидаги айвонли қия зинали қабрларнинг санасини мил.авв. XIII-IX асрлар билан белгилайди. Евроосиё дашт қабилаларининг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши археологик манбалар таҳлилига кўра, мил.авв. XIV-XIII асрларда юз берганлиги кузатилади. Андранова чорвадор қабилаларининг жанубга миграцияси оқибатлари Шимолий Бақтрия бронза даври жамоаларининг дафн маросимларида ўз аксини топган.



4. Хулосалар: Юқорида тавсиф этилган материаллар мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида шимолий дашт чорвадорларининг андранова маданияти қабилалари Шимолий Бақтрия ҳудудларига кириб келиб жойлашиши ва уларнинг маҳаллий аҳоли билан алоқалари ҳақида маълумот беради. Бу маълумотларнинг илмий таҳлили эса, Шимолий Бақтрия ҳудудларида сўнгги бронза даврида, яъни, мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида бу ҳудудларда рўй берган тарихий жараёнлар ва турли этник гуруҳларининг дафн маросимлари билан боғлиқ диний ва дунёвий қарашлар мажмусуаси ҳақида тасаввурлар ҳосил қилади.

ИҚТИБОСЛАР/ СНОСКИ/REFERENCES:

1.Асқаров А, Жўрақулов М. Энеолит а бронза даврида Ўрта Осиё. – Самарқанд, 1984. – Б. 54.

2.Avanesova N.A. Spootbronzezeitliche Kulturkontakte in der Baktrischen ... // – С. 147-178.

3.Виноградова Н. Юго-западный Таджикистан в эпоху поздней бронзы. ... – С. 84.

4.Мандельштам А.М. Памятники эпохи бронзы в южном Таджикистане. МИА, – № 145, – Ленинград, Наука. 1968. – С. 61-69.

5. Kushokov , S. (2023). EARLY RELIGIOUS SIGNS OF THE TERRITORIES OF UZBEKISTAN. Research and Implementation, 1(3), 71–77

6. Yusupovich, Kushakov Safarali. "ORTA OSIYODA ILK DINIY QARASHLARNING OZIGA XOSLIGI." Scientific Impulse 1.11 (2023): 115-120.

7. Yusupovich, Kushakov Safarali. "FACTORS WHICH ARE THE BASIS OF THE FIRST RELIGIOUS VIEWS." Scientific Impulse 1.11 (2023): 140-145.

8. Ramazanovich, M. N., & Abdunazarovich, P. B. (2021). Protection of Family and Youth in the Constitution of the Republic of Uzbekistan. Middle European Scientific Bulletin, 18, 221-223.

9. Расулов Ҳ. Сиёсат–маданият, ҳодиса ва фан сифатида //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 7. – С. 691-702.

10. Расулов Х. М. Шарқ ва ғарб: сиёсий ва ҳуқуқий маданият компонентлари уйғунлиги //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2020. – №. SI-1№ 3.

11. Расулов, Ҳ. М. (2022). СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАРДА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ. Academic research in educational sciences, 3(NUU Conference 2), 863-867.



12. Rasulov, H. M. (2021). ELECTION PHENOMENON I THE PROBLEM OF IMPROVING THE ELECTRIC CULTURE OF THE POPULATION. ВОСТОЧНО ЕВРОПЕЙСКИЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ, 75(part 6), 28.

13. Mina, Simona. "Political decentralization and promoting participative culture, solutions in counteracting the financial global crisis." Managerial Challenges of the Contemporary Society 2 (2011): 176-180.

14. Расулов Х. М. СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАРДА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. NUU Conference 2. – С. 863-867.

15. Расулов Х. М. ТЕХНОЛОГИИ ОБЪЯСНИТЕЛЬНО-РЕПРОДУКТИВНОГО ОБУЧЕНИЯ //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2020. – №. 3. – С. 45-49.

16. Ramazanovich, N. M. (2022). IMPORTANCE AND ANALYSIS OF THE CONCEPT OF CIVIL RIGHTS. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(10), 322-328.

17. Ramazanovich, M. N., & Kabilovich, B. O. (2021). Constitutional and Legal Framework for Providing International Peace. Middle European Scientific Bulletin, 18, 218-220.

18. Mallaev, N. R., & Djalilov, S. S. (2021). Political and Legal Mechanisms of the Fight against Corruption in Uzbekistan and High Effective Measures against It. International Journal of Development and Public Policy, 1(7), 1-4.

19. Mallaev, N. R., & Djalilov, S. S. (2021). Establishment of Legal Mechanisms in the Fight Against Corruption in Uzbekistan. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 12, 4-8.

20. Ikromov, N. M. (2021). The Rule of the Ancient Bactrian Cavalry in the History of the Peoples of Central Asia. Central Asian Journal of Social Sciences and History, 2(10), 111-118.

21. Ikromov, N. M. (2021). KAVIS'REIGN IN THE FIRST TERRITORIAL STATEHOOD OF ANCIENT BACTRIA. World Bulletin of Social Sciences, 4(11), 77-81.

22. Ikromov N. M. TERRITORIAL DIVISION OF THE ANCIENT BACTRIA COUNTRY //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 12. – С. 911-916.

23. Ikromov N. M. KAVIS'REIGN IN THE FIRST TERRITORIAL STATEHOOD OF ANCIENT BACTRIA //World Bulletin of Social Sciences. – 2021. – Т. 4. – №. 11. – С. 77-81.



24. Икромов Н. Қадимги Бақтрия илк ҳудудий давлатчилигида кавийлар ҳукмронлиги //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 10/S. – С. 127-135.
25. Ikromov N. M. The Rule of the Ancient Bactrian Cavalry in the History of the Peoples of Central Asia //Central Asian Journal of Social Sciences and History. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 111-118.
26. Ahmedova G. O. ATIONAL, REPERTOIRE, TEACHER, CREATION, ART, OASIS, PEOPLE, STUDENT //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 7. – С. 74-77.
27. Oskinovna, Ahmedova Gulchehra. "SPIRITUAL FOUNDATIONS OF THE HEROES OF UZBEK NATIONAL EPICS." Scientific Impulse 1.11 (2023): 97-102.
28. Annaeva Z. STUDY OF ENVIRONMENTAL PROBLEMS IN UZBEKISTAN AT THE LEVEL OF STATE POLICY //Research and implementation. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 85-91.
29. Boronov, Abdulhakim. "EXPRESSION OF THE IDEA OF INTERNATIONAL HARMONY IN THE ACTIVITIES OF NATIONAL-CULTURAL CENTERS." Research and implementation 1.3 (2023): 78-84.
30. Musurmongulovna A. Z. FACTORS AND RECOMMENDATIONS THAT CAUSED ENVIRONMENTAL DEGRADATION IN UZBEKISTAN //Scientific Impulse. – 2023. – Т. 1. – №. 11. – С. 103-108.
31. Holliyevich B. A. SOCIAL COOPERATION IN INDEPENDENT DEVELOPMENT //Scientific Impulse. – 2023. – Т. 1. – №. 11. – С. 134-139.
32. Аннаева З. М. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИ БАҲАМКОРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ //Scientific Impulse. – 2023. – Т. 1. – №. 11. – С. 109-109.
33. Kushokov, Safarali Yusupovich. "The role of zoroastrianism in the ancient state of Bactria." World Bulletin of Social Sciences 4.11 (2021): 69-72.
34. Аннаева, Зарифа. "ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ АГРАР СИЁСАТИ ВА УНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ." ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ 24 (2019).
35. Zarifa Musurmonkulovna Annayeva. (2022). ENVIRONMENTAL PROBLEMS IN UZBEKISTAN AND WAYS TO SOLVE THEM (INDEPENDENCE PERIOD). Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(4), 182–187.
36. Юсупович, Қўшоқов Сафарали. "ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ ТАЛҚИНИ ВА УНИНГ МОДДИЙ МАДАНИЯТДА АКС ЭТИШИ." Scientific Impulse 1.12 (2023): 246-251.



37. Annayeva, Zarifa Musurmonkulovna. "ENVIRONMENTAL PROBLEMS IN UZBEKISTAN AND WAYS TO SOLVE THEM (INDEPENDENCE PERIOD)." Theoretical & Applied Science 7 (2020): 67-69.

38. Юсупович, Қўшоқов Сафарали. "ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ ТАЛҚИНИ ВА УНИНГ МОДДИЙ МАДАНИЯТДА АКС ЭТИШИ." Scientific Impulse 1.12 (2023): 246-251.

39. Isaev, O. A. "The Categories of Early Farmers Residing in the Surkhan Oasis in the 20-30s of the 20th Century." European Journal of Learning on History and Social Sciences 1.1 (2023): 108-111.

40. Isaev, O. A. "The Categories of Early Farmers Residing in the Surkhan Oasis in the 20-30s of the 20th Century." European Journal of Learning on History and Social Sciences 1.1 (2023): 108-111.

41. Oybek, PhD Isaev. "In the Study of the History of Surkhandarya in the 30s of the XX Century, as a Historical Source." Eurasian Journal of History, Geography and Economics 7 (2022): 100-102.

42. Zokirov, S. I., Sobirov, M. N., Tursunov, H. K., & Sobirov, M. M. (2019). Development of a hybrid model of a thermophotogenerator and an empirical analysis of the dependence of the efficiency of a photocell on temperature. Journal of Tashkent Institute of Railway Engineers, 15(3), 49-57.

43. Hamidullo o'g'li, T. H. (2023). TA'LIM TIZIMIGA MICROSOFT OFFICE 2003 VA 2020 DASTURLARINI QO'LLANILISHI VA IMKONIYATLARI. Scientific Impulse, 2(13), 353-357.

44. Горовик, А. А., & Турсунов, Х. Х. У. (2020). Применение средств визуальной разработки программ для обучения детей программированию на примере Scratch. Universum: технические науки, (8-1 (77)), 27-29.

45. Isaev, O. A. (2021). From the Memories of Those Displaced as a Result of the Policy of Resettlement in the 1920-1930s of the XX Century (On the Example of the Surkhandarya Oasis). CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY, 2(10), 62-65.

